

А.Д. РАВШАНОВ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

А.Д.РАВШАНОВ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Монография

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 631.631.1.009.2

КБК 38.772

P-46

P-46

А.Д.Равшанов. Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 140 бет.

ISBN 978–9943–4269–9–3

Монографияда аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг hozirgi босқичида фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашда рақобат муҳитини шакллантириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ички ва ташқи бозорда самарали фаолият юритувчи механизмларни жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар асослаб берилган.

Китобда келтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимиз фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, фермер хўжаликларнинг барқарор ривожланишини кучайтириш учун уларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишларида кенг фойдаланиш, хусусан Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларининг амалий жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Монография иқтисодиёт, маркетинг ва фермер хўжаликларини бошқариш йўналишидаги Олий ўқув юрти талабалари, профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим изланувчилари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

УЎК: 631.631.1.009.2

КБК 38.772

Илмий муҳаррир:

Р.Х.Эргашев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

И.Рўзиев – ҚарМИИ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, иқтисод фанлари доктори, профессор;

Г.Эркаева – ҚДУ, «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент;

С.Ҳамраева – ҚарМИИ, «Иқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий Кенгашининг 2013-йил 6-декабрдаги 2-сонли қарори билан нашр этилди.

ISBN 978–9943–4269–9–3

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

КИРИШ

Мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида, айниқса, истиқболда қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш субъектига айланаётган фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлаш стратегик вазифалардан бири эканлигини эътироф этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «... мамлакатимизда том маънодаги рақобат муҳитини шакллантириш ҳақида бормоқда. Маълумки, бундай муҳит ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва модернизация қилиш, жаҳон бозорларига чиқиш йўлида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади»¹.

Шу боисдан ҳам, иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шароитида фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун уларнинг рақобатбардошлигини оширишга тўсиқ бўлаётган мавжуд муаммолар, номутоносликларни аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг мажмуавий чоратадбирларини чуқур тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида шаклланаётган рақобат муҳити шароитида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ички ва ташқи бозорда самарали фаолият юритишга кенг имкониятлар яратувчи механизмларни такомиллаштириш ва татбиқ этиш йўллари илмий-амалий жиҳатдан асослаб бериш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Чунки, қишлоқ хўжалигининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш устун даражада фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, аграр соҳанинг истиқболли ривожланишини белгиловчи устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнида янги фермер хўжаликларини ташкил этиш эмас, балки уларнинг эркин рақобат муҳитидаги рақобатбардошлигини таъминлаш асосий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир»².

Шу нуқтаи назардан, иқтисодиётни модернизациялаш ва қишлоқ хўжалигида кескин рақобат муҳити шаклланаётган шароитида фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишга бағишланган тадқиқот ишларини амалга ошириш илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, уларнинг ихтисослашувига қараб мақбул жойлаштириш ва самарадорлигини ошириш жуда катта аҳамиятга эга.

Ушбу монографияда иқтисодиётни модернизация шароитида фермер хўжаликлари рақобатбардошлиги тушунчасининг моҳияти ҳамда барқорар ривожланишини таъминлаш учун уларнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар ва инфратузилма корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг объектив зарурияти илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Шунингдек, фермер хўжаликлари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришни инновацион жараёнлар билан узвий қўшиб олиб бориш ва уларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ўз аксини топган.

Монографияда қўйилган мақсад ва вазифаларни ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси, статистика бошқармаси, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда Касби, Шаҳрисабз, Муборак ва Миришкор тумани фермер хўжаликларнинг йиллик ҳисоботлари ва бирламчи маълумотларидан ҳамда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун, низомлар, Президент фармонлари, қарорлари, асарлари ҳамда иқтисодчи олимларнинг илмий асарларидан ва монографиялардан фойдаланилган.

Мазкур иш, албатта айрим камчиликлардан холи эмас. Шу боис муаллиф китобхонларнинг таклиф ва мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қилиб, уларга ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

I боб. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.3. Рақобатбардошликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва унинг қишлоқ хўжалигида намоён бўлиш шакллари

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва соҳаларида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари мамлакатда яратилган имконият ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ўзларининг ривожланиш стратегиясига эга бўлади ва хўжалик юритиш жараёнида у ёки бу даражадаги ўзгаришларга мослашишга ҳаракат қилади. Ҳар бир корхонанинг муваффақиятли ривожланиши у томонидан аҳоли ва бошқа истеъмолчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни энг мақбул сифат ва нархда ишлаб чиқариш, харажатлар билан фойда ўртасидаги нисбатларнинг оптималлиги ва корхонанинг келажакда янада фаол хўжалик юритиш имконияти ва шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Чунки, аҳоли томонидан билдирилган умумий талаблар корхона фаолиятини ҳаракатлантирувчи, йўналтирувчи ва рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида келтирилганидек: «Рақобат-хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди»³. Мана шундай рағбатлантирувчи омиллардан бири рақобат муносабатларининг юзага келиши ҳисобланиб, бу жараён товар ва хизматлар бозорида субъектлар ўртасида соф иқтисодий кураш турларининг содир бўлишига олиб келади.

Ҳақиқатан ҳам бозор иқтисодиётида товар тижорат ютуғининг асосий омили бўлиб, товарнинг истеъмол қиймати ва сифати унинг рақобатбардошлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Улар эса ўз навбатида фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишга бевосита таъсир

³ Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни . //Халқ сўзи, 2012 йил 7 январь.№5 (5425).

кўрсатади. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларининг рақобатбардошлиги ва иқтисодий барқарорлик категориялари жуда мураккаб ва ўзаро бир-бири боғланган бўлиб, рақобатбардошлик фақат иқтисодий барқарорлик мавжуд бўлгандагина содир бўлади. Иқтисодий барқарорликка жуда ҳам кўплаб ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади ва улар корхонанинг самарадорлиги ва ривожланиш истиқболини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, унинг бошқа корхоналар билан содир бўладиган рақобат муҳитида ғолиб чиқиш имкониятини кенгайтиради.

Рақобат тушунчаси жуда кўп қиррали, сермазмун бўлиб, товарнинг бозор шартларига мос келиши, товарлар техник, иқтисодий, эстетик тавсифлари билан истеъмолчиларнинг фақат аниқ талабларини қондириб қолмасдан, балки тижорат ва сотиш жараёнидаги бошқа жараёнларнинг ҳам бажарилишини ҳисобга олади. Булар, нарх-наво, товарни етказиб бериш муддати, ўтказиш-сотиш каналлари, сервис, реклама ва ҳоказолардан иборат. Булардан ташқари, рақобатбардошликда товар ишлаб чиқариш харажатлари ва ундан фойдаланиш даражаларини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, рақобатбардошлик категорияси ҳақида фикр билдирилганда, унинг турли тармоқ ва соҳалар хусусиятлари билан боғлиқ ўзига хос кўплаб жиҳатлари борлиги туфайли ҳам илмий адабиётларда қатор тушунчалар ва ҳатто бир-бирини инкор қилувчи таърифлар бор.

Масалан, А.Н.Романов, Ю.Ю.Коряков, С.А.Красильниковнинг ёзишича «...рақобатбардошлик дейилганда бозорда товарнинг муваффақиятини аниқлаб беришга хизмат қиладиган, унинг истеъмол қилишлиги ва қиймати (нарх-навоси)ни ҳар томонлама тавсифловчи, яъни рақобатчи товарлар ўхшашларини кенг таклифи шароитида асосан шу товарни бошқа товарга қараганда устунлиги тушунилади»⁴. А.А.Амбарқулов, Ф.Ф.Стерликовнинг фикрича, – «товарнинг рақобатбардошлиги, бу харидорнинг эҳтиёжини бошқа ўхшаш товарларга қараганда даражаси ва кўлами бўйича қондиришдаги, уни харид қилиш, ишлатиш бўйича харажатлар фарқини аниқлаб берувчи товарнинг истеъмол хусусиятлари

⁴ Романов А.Н., Коряков Ю.Ю., Красильников С.А. «Маркетинг» Под. Ред. А.А. Романова. –М.: «Банки и биржи», ЮНИТИ, 1996. с. 167.

йиғиндисидир»⁵ деб қайд қилинса, А.А.Тарасова, Ф.А.Крутиковнинг таъкидлашича: «товарнинг рақобатбардошлиги – бу маҳсулотларни бошқа маҳсулотлар тури ва ишлатилишига қараганда бозор ва истеъмол талабларига сифати ва қиймати тавсифларининг яхши бўлиши ҳисобига истеъмолчи (харидор)ни ўзига жалб қилувчи қобилиятдир»⁶.

Бизнинг фикримизча, бу тушунча талқинларида битта умумий камчилик мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса рақобатбардошлик товарнинг жами хусусиятларини ўзида ифодаловчи кўрсаткич деб қаралади. Улар истеъмолчини нима кўпроқ қизиқтириши, яъни сифат ва истеъмол нархи нисбатлари ҳисобга олинмаган. Ваҳоланки, айнан шу талабларга амал қилиниши маҳсулот ёки хизматларнинг рақобатбардошлигини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт назарияси фанининг категорияси сифатида рақобат нисбатан узоқ вақтлардан буён мавжуд бўлган тушунча ҳисоблансада, унинг иқтисодий табиати нисбатан мураккаб бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда унинг моҳияти тўлиқ очиб берилмаган, дейишга асос мавжуд. Бу шу билан изоҳланадики, рақобатнинг иқтисодий мазмуни ва объектив асосларини очиб бериш жараёнида уни таърифлашдаги серқирра, турфа ва мантиқий бир-бирини инкор этувчи қарашларнинг давом этаётганлигидадир. Шунинг учун ҳам рақобат, рақобатбардошлик муносабатларига бўлган қизиқиш ҳар доим эътибордан четда қолган эмас.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда рақобат тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжудлигига қарамасдан Ўзбекистон иқтисодчи олимлари томонидан ҳам бу категорияга илмий таъриф беришга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, иқтисодчи олимлардан Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраев томонидан тайёрланган «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланмасида рақобатга берилган таърифда асосан икки жиҳат: 1) унинг иқтисодий манфаатлар тўқнашувидан иборат эканлиги; 2) юқори фойда ва нафликка эга бўлиш учун кураш илгари сурилади, яъни: рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган хара-

⁵ Амбаркулов А. А., Стерликов Ф. Ф. «1000 терминов рыночной экономики: справочное пособие». –М. «Корн-Пресс», 1993. 107. с

⁶ Тарасова В.П., Крутиков Ф.А. «Рыночная экономика». –М.: Рекламно-издательская фирма «Теория», 1993. с.106.

жатларининг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар учун, арзон хомашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбаларига эга бўлиш мақсадида улар орасида кураш боради⁷.

Ўз навбатида харидорлар, яъни истемолчилар сарфлаган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашадилар, уларнинг ҳар бири арзон ва сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қилади.

Рақобат тушунчаси турли изоҳли луғат ва маълумотномаларда ҳам турлича таърифланади. Жумладан, «Язык бизнеса» номли луғатда: «Рақобат (лотинча *concurrere*-тўқнашув; инглизча *competition, rivalry*)–бозорда иштирок этаётган корхоналар ўртасидаги ўз маҳсулотларини сотишнинг энг қулай имкониятларини таъминлаш, харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш мақсадидаги ўзаро таъсир алоқа ва кураш иқтисодий жараёнидир. Рақобат ва монополия диалектик бирликни ташкил этиб, доимо бозорда бир-бирларига қарама-қарши турадилар»⁸, деб ифода-ланган. Бундан кўринадики, рақобат нафақат кураш, балки ўзаро таъсир ва алоқа жараёни сифатида ҳам талқин этилган. Шу билан бир қаторда, рақобат мақсадини «харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш» сифатида белгилаб, маълум ноаниқликка йўл қўйилган. Чунки, рақобатнинг асосий мақсади харидорни эмас, балки унинг иштирокчиси манфаатларини тўлароқ рўёбга чиқаришдан иборат бўлиб, бу мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатлар пировардида харидорларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга олиб келади.

Таниқли иқтисодчи олимларимиздан А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиевнинг «Бозор иқтисодиёти» номли қисқача луғат-маълумотномасида: «рақобат–мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда, катта ҳажмда сотиш; умуман бозор иқтисодиётида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш. Рақобат асоси товар ишлаб чиқарувчиларнинг мустақил бўлиши ва ўз манфаати учун кураш-интилишидан иборат. Рақобат бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир, чунки рақобатда

⁷ Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р. Ҳ., Жўраев Т. Т. «Иқтисодиёт назарияси». –Т.: «Молия», 2002, 159 б.

⁸ «Язык бизнеса». Термины Под ред. В.А.Чжена. –Т.: ИПК «Шарк», 1995, с.216.10.

ғолиб келиш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, товар сифатини ошириш, товар сотилишини харидор учун қулайлаштириш зарур, акс ҳолда товарларни пуллаб, катта фойда кўриб бўлмайди. Монополия рақобатга зид, чунки у товар ишлаб чиқарувчига танҳо ҳукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шароит қолдирмайди. Рақобат демонополизацияни талаб қилади, ўзаро беллаша оладиган кўпгина корхоналар бўлишини тақозо этади. Рақобатнинг асосий соҳаси – бозор, бозорда турли корхона товарлари рақобатга киришади. Рақобат фақат товарларни сотувчилар эмас, балки харидорлар ўртасида ҳам юз беради. Корхоналар керакли восита, хомашё, материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашадилар»⁹, деб таъкидланади. Яъни юқоридаги таърифлардан кўринадик, рақобат фақат бозор иқтисодиётига хос деган қоида илгари сурилади.

Шунингдек, баъзи бир иқтисодий манбаларда рақобат меҳнатга оид беллашув бўлиб, маҳсулотнинг бир турини бошқасидан сифат жиҳатидан фарқланиши мазмунида таъкидланади. Шу билан бир вақтда «рақобатлашув», «рақибчилик», «беллашув», «мусобақалашув» тушунчаларининг мазмуни ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бу тушунчаларнинг мазмуни, ўзаро нисбати ва тафовутини 1.1.1-жадвалдаги каби изоҳлаш мумкин.

Рақобат билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

1.1.1-жадвал

Категорияларнинг номи	Ўзига хос хусусиятлари
Беллашув	Яшаш учун кураш орқали намоён бўлувчи етакчиликка, умуман ғалабага интилиш. Беллашувнинг мавжуд бўлмаслиги инқироз белгисидир. Мусобақа ва рақобатга нисбатан умумий тушунча ҳисобланади.
Меҳнатдаги рақибчилик	Меҳнат соҳасидаги беллашув шакли, меҳнатда ўзини кўрсатиш, яхши натижаларга эришиш истагидир. У, хусусан, меҳнатдаги шахсий ютуқларни ишлаб чиқариш жараёнидаги бошқа иштирокчиларнинг натижалари билан ўлчаш ва таққослашни тақозо этади. Меҳнатдаги рақибчилик – умуман беллашувга қараганда нисбатан аниқ тушунчадир.

⁹ Ўлмасов А., Тўхлиев Н. «Бозор иқтисодиёти». Қискача луғат-маълумотнома. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991, 81-б.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/764> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/764> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/764>